

“NAVOIY  
KON-METALLURGIYA  
KOMBINATI”  
AKSIYADORLIK JAMIYATI



“NAVOI MINING AND  
METALLURGICAL  
COMPANY”  
JOINT-STOCK COMPANY

2024 yil “ 1 ” aprel № 206

Navoiy sh.

## BUYRUQ

Харидлар соҳасидаги шикоятларни  
кўриб чиқиш тартибини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 154-сон Фармони, “Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 14 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3013) (кейинги ўринларда – Низом) ижросини таъминлаш ҳамда “НКМК” АЖда харидлар соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини тартибга солиш мақсадида,

### Б У Ю Р А М А Н:

1. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш Комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунига, Низомга ҳамда бошқа қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширсин.

3. Давлат харидлари натижасида тузилган шартномаларда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш доирасида келиб чиқадиган низолар ва келишмовчиликларни тартибга солиш масалалари Комиссия томонидан кўриб чиқилмайди ва қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунининг 62-моддасида кўрсатилган ҳолатлар бўйича мурожаатлар Харид комиссияси томонидан кўриб чиқилиши инобатга олинсин.

5. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш Бош муҳандис А.Ф. Равшанов ҳамда Комплаенс хизмати бошлиғи Р.Ф. Авезовга юклансин.

Бошқарув раиси–Бош директор

Ижр.: Р.Авезов  
Тел: 77-770



Қ.С. Санакулов

“НКМК” АЖНИНГ 2024 йил  
1 апрелдаги  
206-сонли буйргуга илова

**“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг  
Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиши  
Комиссияси таркиби**

1.	Комиссия раиси	А.Ф. Равшанов	Бош мухандис
2.	Комиссия раиси ўринбосари	Р.Ф. Авезов	Комплаенс хизмати бошлиғи
3.	Комиссия аъзоси	Е.А. Данилина	Маҳаллийлаштириш, эҳтиёжларни режалаштириш ва захираларни бошқариш бошқармаси бошлиғи
4.	Комиссия аъзоси	Ш.А. Идиев	Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига оид ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи
5.	Комиссия аъзоси	Д.М. Иткина	Етакчи юрисконсульт